Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан 2026 йил 9 ойликда эришилган натижалар ҳамда йил якунигача амалга ошириладиган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

I. 2026 йил 9 ойликда амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар.

2025-йил куз-қиш ва 2026-йил қиш-баҳор мавсумида республика ҳудудларида **2 887 та** субъектларнинг **5 156 га** иссиқхоналари **фаолият юритиб**, шундан мавсумда **4 829 гектар** иссиқхоналарда экинлар экилиши таъминланди.

Ушбу майдонлардан **315,4 минг тонна сабзавот ва мева** маҳсулотлари етиштирилиб, ички ва ташқи бозорларга реализация қилинди.

Маҳсулот етиштириш мавсуми мобайнида **1 250 гектар** майдондаги **895 та кўмир ёқилғисида** фаолият олиб бораётган иссиқхоналарнинг **424,2 минг тонна** кўмирга талаблари мавжудлиги аниқланиб, мавсум якунига қадар **348,1 минг тонна кўмир хариди амалга оширилди**.

*Мавсумда **5 ой** (октябр, ноябр, декабр, январ ва феврал) давомида **1 га** иссиқхона учун **ўртача 300 тонна кўмир талаб этилади.** Талаблар мавсумнинг иссиқ ёки совуқ келишига қараб кам ёки кўп сарфланиши мумкин.*

Шу билан бир қаторда **2 454 гектар** майдондаги **943 та** табиий газ ёқилғиси қиш орқали фаолият юритадиган иссиқхоналарнинг **854 таси** билан шартнома имзоланди ҳамда **266,3 млн. м3 табиий газ етказиб берилган**.

*Мавсумда **5 ой** (октябр, ноябр, декабр, январ ва феврал) учун **1 га** иссиқхонага **ўртача 130 минг.м3 табиий газ талаб этилади.** Талаблар мавсумнинг иссиқ ёки совуқ келишига қараб кам ёки кўп сарфланиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПФ-181-сон Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, Қишлоқ хўжалиги вазирлигида тегишли **вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда "ШТАБ"** ташкил этилиб, республика ҳудудларида фаолият олиб бораётган **5 156 гектар** иссиқхоналарга вазирликнинг тизим ташкилотларидан **номма-ном вакиллар бириктирилиб**, иссиқхоналарнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш юзасидан ҳафталик назорат тизими йўлга қўйилди. 2026 йилнинг 9 ойлик якунига кўра **156 нафар** иссиқхоналарнинг **23 та** вазирлик, идора ва ташкилотлар билан **боғлиқ бўлган муаммоларини бартараф этишга кўмаклашилди**.

Шунингдек, Фармон топшириқларига асосан иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган дастурни ишлаб чиқиш мақсадида, халқаро **"KPMG" консалтинг компанияси жалб этилиб,** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошчилигида иссиқхона хўжаликлари раҳбарларининг муаммоларини жойларда учрашувлар ташкил этган ҳолда ўрганиш ишлари ташкил этилди.

*Жумладан, **Қорақалпоғистонда 14 нафар**, **Хоразмда 27 нафар**, **Бухорода 52 нафар** ва **Навоийда 10 нафар**, **Андижонда 25 нафар**, **Фарғонада 19 нафар** ҳамда **Наманганда 27 нафар** тадбиркорларнинг солиқ, ер масалалари, газ таъминоти, кредитлар ва экспорт жараёнларига оид масалалар муаммолари ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.*

Тошкент шаҳри ва унга туташ бўлган Тошкент вилояти туманларида фаолият олиб бораётган иссиқхона хўжаликларининг кўмир ёқилғисини ёқиш орқали атмосфера ҳавоси чиқарилаётган ифлосланишни бартараф этиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилди.

Иссиқхоналар хатловдан ўтказилди, бугунги кунда Тошкент шаҳри ва унга туташ бўлган Тошкент вилояти туманларида **557 та** субъектларнинг **1 070 га** иссиқхоналари фаолият олиб бормоқда.

Иссиқхоналарнинг **171 га** *(64 та)* **газда, 220 га** *(127 та)* **кўмирда** ҳамда **286 га** *(151 та)* **буғда** ишлашга мўлжалланган.

Атмосфера ҳавоси чиқарилаётган ифлосланишни бартараф этиш мақсадида **127 та** *(220 га)* иссиқхоналарнинг **111 тасига чанг-газ тозалаш (фильтр) қурилмалари ўрнатилди.**

2026-йил куз-қиш ва 2027-йил қиш-баҳор мавсуми олдидан иссиқхоналар номма-ном хатловдан ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида **бугунги кунда 2 774 та** субъектларнинг **5 002 гектар иссиқхоналари фаолият юритиб келмоқда.**

Иссиқхоналарда **801 гектари** гидропоника ва **4 201 гектари** тупроқ усулида экинлар экилади ҳамда **35 гектари** поликарбонат, **156 гектари** ойнали ва **4 812 гектари** плёнка қопламаларидан фойдаланади. Шунингдек, **2 321 гектари** табиий газ, **1 122 гектари** кўмир, **526 гектари** иссиқ сув (буғ), **5 гектари** электр энергияси ёқилғиларида иситилади ҳамда **1 027 гектари** иситилмайдиган иссиқхоналардир.

Иссиқхона хўжаликларида бугунги кунда иситиш тизимлари мавжуд бўлган, **жами 2 273 та субъектларнинг 4 108 гектар иссиқхона майдонларида** шундан, 2 020 гектар **помидор,** 769 гектар **бодринг,** 153 гектар **булғор ва аччиқ қалампир,** 10 гектар **бақлажон**, 17 гектар **карамлар**, 77 гектар **салат барги,** 156 гектар **кўкатлар**, 2 га **қовун**, 6 гектар **уруғлик картошка,** 624 гектар **лимон**, 43 гектар **қулупнай**, 2 гектар **банан**, 23 гектар **малина**, 1 гектар **голубика**, 1 гектар **гилос**, 1 гектар **узум** экинлари экилган ҳамда 205 гектар **гулчилик** ва **кўчатчилик** фаолияти йўлга қуйилган бўлиб, ушбу майдонлардан **263,9 минг тонна сабзавот ва мева маҳсулотлари** ҳамда **45,8 млн дона гуллар ва кўчатлар** етиштириш режалаштирилган.

Иссиқхоналарда экилган сабзавот ва мева экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш, экинларни парваришлаш, агротехник тадбирларни тўғри ва ўз вақтида ташкил этиш, минерал ўғитлар ва кимёвий препаратлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали курашиш мақсадида, илмий тадқиқот институтлари билан биргаликда **илмий асосланган "Тавсиянома"лар** ишлаб чиқилиб жойларга фойдаланиш учун етказилди.

Шунингдек, иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш мавсуми мобайнида ёқилғи ресурсларига бўлган талаби ўрганилди. Бунга кўра, **2 321 гектардаги** иссиқхоналарнинг **376,7 млн м³ табиий газга, 1 122 гектардаги** иссиқхоналарнинг **216,7 минг тонна кўмирга, 526 гектардаги** иссиқхоналарнинг

397,8 минг гкалл иссиқлик энергеясига ҳамда **5 002 гектардаги** иссиқхоналарнинг **49,3 минг.кВт электр энергеясига** талаби аниқланиб ушбу талабларни 2026-йил куз-қиш ва 2027-йил қиш-баҳор мавсуми давомида узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тизимли ишлар амалга оширилиши белгилаб олинди.

II. 2026 йил якунигача амалга ошириладиган ишлар ва кутилаётган натижалар.

1. 2026-2027 йиллар ҳосили учун **4 108 гектар майдондаги** иссиқхона хўжаликларида **экилган экинлардан маҳсулотларни йиғиб-териб олиш** ҳамда ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш ишларида кўмаклашиш.

2. 2026-2027 йиллар мавсумида **2 321 гектардаги** иссиқхоналарнинг **376,7 млн м^3 табиий газга, 1 122 гектардаги** иссиқхоналарнинг **216,7 минг тонна кўмирга, 526 гектардаги** иссиқхоналарнинг **397,8 минг Гкалл иссиқлик энергиясига** ҳамда **5 002 гектардаги** иссиқхоналарнинг **49,3 минг.кВт электр энергиясига бўлган талабига асосан, энергия ресурсларини** узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тизимли ишлар амалга ошириш.

3. Иссиқхона хўжаликлари фаолияти давомида юзага келаётган **“муаммоларни ҳафталик ўрганиб”** ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан вазирликда ташкил этилган **“Штаб”**га жалб этилган тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари билан биргаликда амалий ёрдам бериб бориш.

4. “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонаси ва унинг дирекцияси **фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда дирекция фаолиятини мувофиқлаштириш** ишларини ташкил этиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** Нидерландиянинг **“World Horti Center” инновация ва билим марказига** камида маҳаллий **20 нафар** ҳамда Дирекциянинг **10 нафар мутахассис ва агрономларини олиб бориб, иссиқхона хўжалиги соҳасидаги илғор инновация ва тажрибаларни ўргатишни ташкил этиш**.